# ТАБИАТ ва ИНСОН

№ 47



**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси**

*Ибрат олса арзийди*

## ЮРАКДА МУҲАББАТ БЎЛСА

Корхонага кетяпмизу ўйлайман: акционерлик жамиятидан қандай кайфиятда қайтарканмиз? Гап кўп, иш озмикан? Ёки аксинча бўлармикан?

Василий Фетисов кўчасига бурилишимиз биланоқ манзара ҳам, кайфиятимиз ҳам ўзгарди. Шундоққина кўчага кираверишдаги симёғочда дўпписини бошига қўндириб олган болакай илжайиб турибди. Суратнинг пастида ёзув: «Бу кўчада биз яшаймиз, бу кўчада биз ишлаймиз, бу кўчада биз ўқиймиз. У доим чарақлаб турсин!» Топ-тоза йўлкалардан борар эканмиз, атрофга қараймиз: арчалар, мажнунтоллар яшнаб турибди. «Табиатни асраш уй олдини, ҳаққағани супуриб-сидиришдан, бир туп гул экишдан бошланади» деган экан бир донишманд.

«Ўзэлектроаппарат» акционерлик жамияти ҳовлисига бош кимёгар-мутахассис Евгения Романовна Блейслехем ҳамроҳлигида кирдик.

— Ишни корхонамиз ҳудуди билан танишишдан бошласак, — таклиф қилди, — у. — Биронта савол туғилса, марҳамат, жавоб беришга ҳаракат қиламиз.





Йиғув цехини кўздан кечирар эканмиз, ҳудуднинг покизалигидан мамнунлигимизни яширмадик. Вентиляторлар гувуллаб бир маромда ишлаб турибди. Ерда эса доғ йўқ, тоза. Бир пайтлар одатда заводда, айниқса, у қудратли бўлса, оёқ ости мой, турли-туман аслаҳа-анжомлар қалашиб ётиши ишчанлик белгиси саналарди. бу ерда эса ҳамма нарса батартиб, саранжом-саришта эди. Айни пайтда ҳамма ишчилар иш жойида эдилар. Эгниларидаги коржомалари ҳам тоза... Бўш жой борки ўша ерда тувакда гуллар, ўсимликлар қўйилганди.

— Бизда озодагарчилик биринчи ўринда туради, — изоҳ берди Евгения Романовна.

— Ушбу цех зарарли ҳисобланадими?

— Йўқ. Бизда пластмасса буюмлар ишлаб чиқарадиган гальваника цехи зарарли саналади. Ҳозир ўша ёққа борамиз.

Корхона ҳовлисини кўздан кечириб боряпмиз. Ҳамма нарса ўз ўрнида эди: дарахтлар шамолда чайқалиб турибди. У ер-бу ерга тушган япроқларни демаса — атрофда озодагарчилик барқ уриб турарди. Гулларнику айтмасак ҳам бўлади.

Пластмасса цехида иш қизғин экан. Бизни ажаблантирган-ни ҳар бир дастгоҳга ўрнатилган қурилмалар бўлди.

— Вентилятор, — тушунтирди корхона бош муҳандиси ўринбосари Дмитрий Пригода, — ишчилар умуман ифлос ҳаводан нафас олмайдилар.

Дастгоҳлардан бирдаги иш жараёнига диққат билан разм солдик. Ишчи аёл арча баргларига шакл бераётган экан. У оқ кристаллга ўхшаган моддани дастгоҳ воронкасига қуяр, у ерда у майдаланар, кучли пресслар ёрдамида маълум бир шаклни олар эди.

— Мана шу оқ модда зарарли, — тушунтирди мутахассис-кимёгар. — Лекин биз ҳам чорасини кўриб қўйганмиз. Чанг юткич, чанг туткичлар жуда меъёрида ишлаяпти. Чанг юткичларга эса махсус пластинка-фильтр қўйилган, у барча заҳарли моддаларни ушлаб қолади. Шуниси яхшики, вентиляцияларимиз узоқ муддат ишлашга мўлжалланган. Беш-ўн йилда улардаги махсус фильтр — пластинкалар тозаланади ёки алмаштирилади. Термопласт автомат дастгоҳлар Гонконгдан келтирилган. Жуда яхши ишлайди.

— Қорасув каналининг маълум бир қисми корхона ҳудудидан оқиб ўтар экан-а? — сўрадик кимёгар-мутахассисдан.

— Ҳа, ҳозир канал соҳилидан гальваника цехига ўтамиз, ўзингиз кўрасиз, — деди у.

Чиндан ҳам каналнинг 800-900 метр келадиган қисми корхона ичидан ўтар экан. Каналнинг иккала соҳили бетонланган, нариги соҳилига эса мажнунтол, қарағай сингари манзарали дарахтлар экилган. Сув анчайин тоза эди.

— Яқиндан бери сувда балиқлар пайдо бўлди, — изоҳ берди Евгения Романовна, — болалар қармоқ билан балиқ тутишяпти.

Каналнинг озгина қисми батамом беркитилибди, улкан қувурнинг оғзи панжара билан тўсилган.

— Чўп-хаслар, шох-шаббалар шу ерда тутиб қолинади, — кулди Дмитрий Николаевич, — вақти билан тозалаб ташлаймиз.

Гальваника цехига киришимиз билан яна аквариумдаги балиқчаларга, тувакдаги гулларга кўзимиз тушди. Цех ичига ўтдик. Герметик беркиладиган ванналарда бир ишчи пульт ёрдамида бошқариладиган мосламада тайёр маҳсулотларни юварди. Тайёр маҳсулот — кўча чироқларига ҳимоя тўплари уч карра, учта ваннада ювилди.

— Мана шу линия «Гальваур» деб аталади, — ҳикоя қилди бош кимёгар-мутахассис, — Швециядаги «Гальваур» фирмасида тайёрланган. Бу қурилма икки ерда — Эстониядаги «Норма» заводида, кейин бизда бор.

— Ишлатилган сувларни нима қиласизлар, анҳорга ташлайсизларми?

— Йўқ. Бизда чиқит, оқаванинг ўзи йўқ десам бўлади, — тушунтирди Дмитрий Николаевич, — ҳозир қозонларни кўрасиз. Ишлатилган сув ўша ерга йиғилади. Қайта ишланади. Ионлардан, оғир металлар чўкмаларидан, чиқитлардан тозаланади, кейин яна ишлаб чиқаришга юборилади. Тозаланган сув мутлақо зарарсиз бўлади.

— Қанақа металлар ишлатилади?

— Алюминий, кислота, тузлар, кадмий, хром, никель, кумуш кўпроқ ишлатилади.

— Чиқитлар-чи, улар нима бўлади?

— Қуритиб, пресланади. Ҳозир чиқитлардан керамзит ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўряпмиз.

— Вентиляция, чанг юткич, чанг тозалагич ускуналарнинг қанақа моделларидан қўйилган?

— Асосан ИФ-10, 4-ФВГ-Т, ФЛ-I/8 ва бошқа турдагилари бор. Ҳаммаси яхши ишлайди. Экология бўлимимиз доимо назорат қилиб туради. Йўл қўйилган маъёр ҳам бирон марта бузилгани йўқ. Аввалари ишлатилган сувлар ер остида тўпланган пайтларда аҳвол бироз мушкул эди. Ҳозир эски гальваника цехини бузяпмиз.

Суҳбатимиз «Ўзэлектроаппарат» акционерлик жамияти бош директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Абдуманноп Алимбоев ҳузурида яна ҳам жонли бўлди.

— 28 октябрда барчамиз Фетисов кўчасига чиқдик. У ерга 300 туп ниҳол экдик. Дарахтларга ишлов бердик, тозаладик. Бу чинакам кўча байрами бўлди. Корхона ҳудудида 25 туп тут бор. Ҳар йили тут байрами ўтказамиз. 5000 туп атиргул бор. Ниятимиз ҳар бир цехда гулхона ва катта аквариум ташкил қилиш! Шундай бўлсинки ҳар бир ишчи ҳар куни 5-6 та гул узсин, қувонсин, гулдек очилиб юрсин! — ҳикоя қилди бош директор. — Экология қалбдан, юракдан бошланади. Юрак гўзалликка муҳаббат билан тўлгандагина табиат яшнайверади...

Корхонадаги табиат муҳофазаси билан боғлиқ юмушлар бош директорнинг гапларини тасдиқлаб турарди. Қайтар эканмиз, юрагимизда бир ният уйғонди: қани энди ҳар бир корхонанинг мутасаддилари шундай тадбиркор, табиатсевар бўлса.

Шавкат АБДУРАҲМОНОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчиси.
Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.





***СУРАТЛАРДА:** 1. Корхона ҳовлиси мана шундай киши дилини тортадиган даражада озода. 2. Пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш цехида.*

***Пастдаги суратларда:** 1. Оператор Александр Симонцев гальваника цехида иш устида. 2. «Ўзэлектроаппарат» корхонаси ҳудудидан оқиб ўтадиган Қорасув канали соҳиллари бетонланиб, орасталанган.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Туйғулар*

## СЕНИ СЕВАМАН, ҲАЁТ!

Тун ниҳоятда босириқ келди. Шу кеча юлдузларнинг порилллаши ҳам бир мунча кечикди, назаримда. Оймўманинг кумушранг нурларини кутиб қанчалар интиқ бўлганимни кўяверинг. Тун қанчалар оромбахш бўлмасин Ойсиз, юлдузсиз жуда дилтанг бўлар экан.

Ниҳоят осмонга биров оппоқ кабутарларни учириб юборгандек юлдузлар потирлаб қолишди. Улар худди кўз қисиб сўзлаётгандек:

— Ҳой, инсон, бизни соғиндингизми?

— Соғиндим сизларни, олису яқин юлдузлар! — дейман.

— Олислигимиз тўғри, лекин яқинлигимиз-чи! — сўрайди гўё улар.

— Юрагимдан макон топгансиз! — дейман. Назаримда юлдузлар янада ёрқинроқ порлаётгандек бўлади.

— Бизга муҳаббатинг қанча? — сўрайди улар.

— Сизни севаман, юлдузлар! — дейсиз ҳаяжон билан.

Осмонга баркаш мисоли тўлин Ой чиқади. Кумушранг нурларга чўмилади олам. Тиниқ нурларга хаёлингиз боғланади. Нурга илашсангизу фалакка қараб учиб кетсангиз...

—Ҳа, — дейди Оймўма сизни совуққина, нурлари билан сийпалаб, — нечук нигоҳинг осмонда? Нечук безовтасан?

— Сенга интиқлигимдан! — дейман.

— О, менга муҳаббатинг шунчами? — сўрайди Оймўма.

—Бўлмасам-чи! Йўқса севгилимни ойюзлигим деб атармидим. Севаман сени, Оймўмажон!

Ким билсин тонг отгунча қанча одам Ойга, юлдузларга дил изҳор қилар экан!

Тонг отади. Уфқ худди ўн беш кунлик келинчак қошига қўйган ўсмадек сурмаранг. Бирдан ўркач-ўркач тоғлар ортидан қуёш нурлари узаниб чиқади. Юрагимда илҳом жўшади:

**Олам мудрар тонг тўшагида,**
**Уфқ товланар камалак нурда.**
**Чўққиларни ўпганча қуёш,**
**Боғламоқчи бошига дурра.**
**Боқаману мафтун, маҳлиё,**
**Мунча гўзал, дейман ўзимга.**
**Мунча гўзал кўзинг дейди тонг,**
**Ўз аксини кўриб кўзимда.**

Ана, дунёни илиқликка кўмиб қуёш кўринди. Вужудимга бир оташ югурди. Ахир ҳаётнинг яна бир тонги отди.

—Сени севаман, ҳаёт! — ҳайқирдим шунда!

## МИРЗИЁД БАЛИҚЧИ

«Дамаччи» балиқ хўжалигида балиқ овлаш бизга ҳам насиб этди. Хурсанд ака бошлиқ, дилкаш бир инсон Мирзиёд аканинг «Москвич» машинасида йўлга тушдик. Ҳалқа йўлдан ўтишимиз билан ҳаво ҳам ўзгарди. Ҳамроҳимиз Собит ака чуқур нафас олди.

— Бирам тозаки, тўймайди киши, — деди у одати бўйича файласуфона. — Сизлар ҳовлида яшайсизлар. Бу ҳавонинг, бу кенгликларнинг қадрига менчалик етолмайсизлар.

Йўлма-йўл табиат ҳимматлари, ҳикматлари ҳақида қизғин баҳс юритиб бордик. Гап айланиб келиб балиққа тақалди.

— Ўзи ҳеч балиқ тутганмисиз? — сўрадим Мирзиёд акадан.

— Шаҳарда демайману маҳалладаги энг ашаддий балиқчи ўзимман, — деди Мирзиёд ака.

Тасаввур қилиб бораётибман: ҳар қармоқ тортганда катта-катта балиқлар биланглаб сувдан чиқиб келишади денг. Оҳ-оҳ, қандай маза!

Кўл бўйига етиб келдик. Машинанинг олд қопқоғи устига дастурхон ёздик. Нон, қанд-қурс, олма-узумлар дастурхонни тўлдирди. Термосдан бир пиёла чой ичгунимизча Мирзиёд ака қармоқларни созлаб, кўлга ирғитди. Собит ака икковимиз унинг ёнига бориб олдик.

—Нега тортмаяпти? — сўрадим бироздан кейин Мирзиёд акадан.

— Балиқ ҳозир қармоқни разведка қиляпти! — кулди у. — Сабр қилинг, ҳализамон салом бериб чиқиб келишади.

Сабрсизлик билан кўл юзига тикиламан. Енгил шабадада худди чеҳралардаги ажинлар мисол майда-майда мавжлар хаёлимни тортди. Жимир-жимирга тикилганча хаёлга чўмдим. Табиат қанчалар оқилу доно. Кенг далалар ўртасида нариги қирғоғи кўринмайдиган кўл. Унинг соҳилида тўрт киши. Бу кенгликлар олдида тўртта зарра улар. Наҳотки табиатнинг бир зарраси бўлсагу, она табиат бағрини талатўп қилсак!..

Шунчалар хаёлга чўмиб кетибманки, ҳатто Собит ака елкамга туртса унга ажабланиб қарадим.

— Бўлди-да, энди, — деди у, — бир соатдан ошди бунақа ўтирганингизга. Келинг, тамадди қилинг. Туш пайти бўлиб қолди.

Тўртовлон лаззатли шўрвани маза қилиб тановул қилдик. Тушдан кейин далаларни кездик. Ўрдагу оқ чорлоқларнинг кўл узра чарх уриб учишини томоша қилдик. Ҳамроҳларимни билмадиму, гўё табиат бизга барча ажойиботларини намойиш этаётгандек туюлди.

Қайтаётганимизда Собит ака барибир норозилик изҳор қилди:

— Мирзиёд ака, битта ҳам балиқ тутмадингиз-а? Ё балиқлар номингизни эшитиб қочиб қолишдими?

Мен Мирзиёд акага қарадим. У менга кўз қисиб қўйди.

— Қармоққа хўрак илмаганман. Жониворларни тутиб егандан кўра, эркин сузиб юришини кўриш қандай завқли?

—Энг зўр балиқчи экансиз! — деб юбордим.

Ҳамроҳларим мириқиб кулишди...

Ғолиб МИРЗО.

*Қонун барчага баробар*

## ДАРАХТЛАР КЕСИЛМАСИН

Она-табиат барча жонзотлару ўсимликлар оламини шундай моҳирона мутаносибликда яратганки, одамзоднинг ақли лол қолади. Уларнинг ҳар иккаласи бирбирисиз яшаши асло мумкин эмас. Ўсимлик оламининг бойлиги нафақат жонзотлар учун, балки биз инсонлар учун ҳам жуда аҳамиятлидир.

Сўнгги пайтларда шаҳримиздаги дов-дарахтлар аёвсиз кесиб кетилаётгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига кўра ўсимлик оламига зарар етказган фуқаролардан жарима ундирилиши кўзда тутилгани аксарият табиатсеварлар учун айни муддао бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Қарорда таъкидланишича, қонунга хилоф равишда дарахт кесиш, ўзбошимчалик билан ўсимликларга зарар етказиш, йўқотиш, ёввойи ҳолда ўсадиган дарахт мевалари терган кимсалар учун қатъий чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, диаметри 20-24 сантиметр ўлчамгача бўлган бир дарахтни кесган киши энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баробари миқдорида жарима тўлайди. Дарахт диаметри катталашиб борган сари тўлов миқдори ҳам ошиб бораверади. Ҳаттоки ёнғоқ, писта, нок, олма, қарағай, барча турдаги арчалар, қайин, эман, қайрағоч, чинор дарахтларига ўзбилармонлик билан заҳмат етказган кимсалардан энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорига тенг миқдорда жарима ундирилади. Ушбу чора корхона, муассаса, ташкилотлар учун ҳам тааллуқлидир.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик Кодексининг 162-моддасига кўра қонунга хилоф равишда дарахт кесилганда энг кам иш ҳақининг уч баробар ҳажми миқдоригача жарима ундирилиши қайд этилган.

Шаҳримиз ҳудудидаги дов-дарахтларни асрабавайлаш, кўпайтириш сиз билан биз олаётган ҳавонинг софлигини сақлаш демакдир. Дарахтларни кесиш эмас, парваришлаш ҳозир қанчалар зарурлиги, улар битмас-туганмас тоза ҳаво булоғи эканлиги барчамизнинг ёдимизда турмоғи керак.

Ким ФАТТОҲОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг назоратчиси.

*Текширишда аниқланди*

## «ЖАРИМАМИ? МАРҲАМАТ!»

Ўтган ой мобайнида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлари томонидан кўпгина корхоналарнинг атроф-муҳитни муҳофазалаш борасидаги тадбирлари назорат қилинди. Текшириш жараёнида қатор камчиликлар қайд этилди.

Жумладан «Ёшлик» ҳиссадорлик жамиятининг бошлиғи О.Пўлатов 250 сўм жарима тўлади. Сабаби у ишлаб чиқариш чиқиндиларини тартибга солишда табиат муҳофазаси қоидаси талабларини бузган. 142-автосарой директори М.Алиев йўлга чиқараётган газларининг заҳарлилиги юқори кўрсаткичдаги машиналарга рухсат бериб юборгани туфайли 750 сўм жарима тўлашига тўғри келди.

Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли 2-автокомбинат мутасаддиси Б.Пирмуҳамедов 500 сўм, яна шу бошқармага қарашли 7-автокомбинатдан А.Рихсиева 500 сўм жарима тўлади. Сабабини ўзингиз сезиб тургандирсиз. Улар газ тозалагичлари носоз бўлган бир қанча автомашиналарга «оқ йўл тилаб» йўналишга чиқариб юбораверганлар.

Шунингдек, юқоридаги сабабларга кўра Республика соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли автобаза, «Сувсоз» трестининг махсус автотранспорт корхонаси, 1-автотранспорт корхонасининг мутасадди раҳбарларига ҳам жарима солинди. Текширилган корхоналарнинг бир қанча автомашиналари тўхтатиб қўйилди. Улар орасида «Тошқурилиштранс» акционерлик жамиятининг 1-автосаройига қарашли 2 та, «Ўзсуғоришсувқурилиш»нинг 1-автобазасига тегишли 5 та, «Тошшаҳарюктранс» концернининг 5 та, бошқа идораларнинг кўплаб машиналари бор.

Тинимсиз жарима тўлашлар айрим корхоналарнинг қаҳри қаттиқ, лекин чўнтаги очиқ раҳбарлари учун одатий ҳолга айланиб қолиши жуда ачинарли ҳолдир. Ахир шаҳар ҳавосидан барчамиз бирдек нафас оламиз-ку. Ҳеч бўлмаса мана шуни ўйлаб, оқилона, одилона ҳаракат қилсак бўлмайдими?

Наргиза ЁДГОРОВА.

## ЎРИНСИЗ БАҲОНАЛАР

Тошкент шаҳар прокуратураси ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вакиллари томонидан Бектемир, Ҳамза, Сергели тумани ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотларнинг фаолияти пухта ўрганиб чиқилди.

Жорий йилнинг саккиз ойи давомида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлари атроф-муҳитга зиён етказаётган бир қанча корхоналар мавжуд эканлигини аниқлашди. Қонунбузарликка йўл қўйилган жойларда умумий ҳисобда 75.900 сўмлик жарима тўловлари қайд қилинди, кўпгина цехлар, майдончалар, мосламалар фаолияти тўхтатиб қўйилди.

Текширувлар натижасини таҳлил этарканмиз, қатор корхоналарда камчилик, хатолар, шунингдек умумий ҳисоби 10260 сўмлик жарима тўловлари мавжуд эканлиги аниқланди.

Табиат муҳофазаси борасидаги 1995 йилги тадбирлар режаси кўриб чиқилди:- атроф-муҳитни ҳимоялаш бўйича 21 та, умумий ҳисоби 33 миллион сўмлик тадбир белгиланган. Аммо улардан учта муҳим тадбир ўз вақтида ўтказилмаган. Ваҳоланки, бу тадбирлар 1994 йилдан 1995 йилга кўчирилган эди. Зарур тадбирларни ўтказишнинг пайсалга солиниши сабабларини эса айрим раҳбарлар маблағнинг йўқлиги, аввалги хўжалик алоқаларининг бузилганлиги, асосий материалларнинг етишмаслиги каби ўринсиз баҳоналар билан изоҳламоқдалар.

Худди шу важ-карсонлар сувни муҳофазалаш бўйича белгиланган чора-тадбирларга ҳам рўкач бўлмоқда. 1995 йили шу хусусида 29 та тадбир (умумий ҳисоби 1 миллион 755 минг сўмни ташкил этади) белгиланганди. Шундан икки йирик чиқинди тўплами бартараф этилди.

Ҳамкорликдаги текширув натижасида «Файз» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзэлас» корхонаси, Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ва бошқа корхоналарда баённомалар тузилди, зарур кўрсатмалар берилди. Олти нафар мутасадди раҳбарга умумий қиймати 4100 сўмлик жарима солинди. Атроф-муҳитга зарар етказаётган цехларни тўхтатиш учун бешта қарор белгиланди.

Шавкат ЭРГАШЕВ,

*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.*

*Ўлкамизнинг шифобахш ўсимликлари*

## ЗАЪФАРОН

Заъфарон ингичка узун баргли пиёзсимон илдизли ўсимлик. Бўйи 40-60 сантиметр, баъзан 1 метргача ўсади. Қаламга ўхшаш новдаси туксиз, усти озгина оқ бўлади. Кўсаги чўзиқ. Бу ўсимлик май ойининг охирларида юқори қисмидан шох чиқариб, 15-20 тагача кўсак тугади. Июнь-июль ойларида гуллайди ва ерга қор тушгунга қадар очилиб туради. Гулининг ранги қизғиш тўқ сариқ, ботаётган қуёш рангига ўхшайди. Унинг гулидан бўёқ ва зиравор тайёрланади. Хушбўй бўлганлиги учун пазандаликда асқотади. Овқатни хуштаъм ва рангдор қиладиган, заъфар деб юритиладиган тўқ сариқ зиравор ҳам заъфарон гулидан тайёрланади.

Заъфарон республикамизнинг адир ва тоғларида табиий шароитда ўсади. Ҳозирги вақтда заъфаронни баъзи хонадонларда ҳам ўстиришади.

Заъфарон халқ табобатида қадимдан ишлатиб келинган. У киши танасидаги тиқилмаларни очади, кўзни равшан қилади, малҳами юз рангига чирой қўшади. Оғиздан ёмон ҳид келганда заъфаронли чой ичиш тавсия этилади. Юраги сиқилган одамга ажойиб малҳам бўлади. Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино заъфарон юракка қувват бўлади, кишини хурсанд қилади, балғам кўчиради ва нафас органларининг фаолиятини яхшилайди, деб ёзган. Шунингдек, заъфарон меъда ва жигарга қувват бахш этади, пешоб ҳайдайди. Баъзи дорилар киши аъзои-танасига яхши таъсир қилиши учун унга заъфарон қўшилади. Масалан, қизил гул, камфора юракка яхши таъсир қилиши учун уларга заъфарон қўшилади.

Буғдой уни ва крахмалга заъфарон қўшиб ишлатилганда сепкилни кеткизади. Мошга қўшиб заъфарон қайнатилса, асаб оғриқларида яхши наф келтиради.

Заъфарон фойдали ўсимлик бўлиши билан бирга, нохуш асоратлари ҳам бор. Жумладан бошни оғритади, меъёридан ортиқча истеъмол қилинса кишинии заҳарлайди, хотирани сусайтиради.

Заъфароннинг экинлашган шароитда етиштириладиган майдонлари йўқлиги сабабли илмий табобатда ишлатиладиган хиллари ҳозирча йўқ. Доришунослик саноатида шунинг учун ундан доривор гиёҳлар ишлаб чиқарилмайди.

## ЧАҚАНДА

Чақанда жийдадошларга мансуб бўлган икки йиллик дарахт ёки бута. Яшил ўсган туплари 6 метргача етади. Баргларининг устки қисми кул ранг, остки қисми эса кумушсимон рангда бўлади. Гуллари майда, сарғиш. Баҳорда барг чиқариши биланоқ гуллайди. Кузда меваси пишиб етилади, лекин мазаси тахир бўлади. Биринчи совуқ тушганда мевага анча маза киради. Серҳосил. Меваси тиканли бўлганидан паррандалар унга тегмайди. Ғуж-ғуж қизғиш мевалар ўсимликда узоқ сақланиб туради.

Чақанда одамларга қадимдан маълум. Бундан икки минг йил илгари ҳам одамлар бу ўсимлик мевасини йиғишарди. Уни бадавлат аёллар юз-қўлларига ва баданларига суркар эдилар. Сабаби мева таркибидаги мой терини юмшатиб, ҳуснга ҳусн қўшади.

Боғбонлар чақандага аллақачон қизиқиб, уни экинлаштиришга ҳаракат қилишган. Бироқ боғбонларнинг бу борадаги кўп меҳнати зое кетди. Ўсимлик биологиясини диққат билан ўрганиш натижасидагина уларнинг орзуси амалга ошди.

Айни пайтда чақанда боғларда, саноат майдонларида экинлаштирилган ҳолда ўстирилмоқда. Тоғли ҳудудлардаги тўқайзорларда ва дарё бўйларида эса ёввойи ҳолда ўсади.

Чақанда меваси турли дармондориларга ва бошқа фойдали моддаларга бой. Таркибида тиниқ, тўқ қизил рангли мой, C, BI, B2, E сингари дармондорилар, органик моддалар, қандлар, олма ва лимон кислоталари, ошловчи моддалар мавжуд. Чақандада C дармондориси наъматакникидан анча кўп. А дармондориси каротинга ниҳоятда бой. (Қизил сабзига қараганда уч баравар кўп). Шу туфайли чақанда турли хасталикларни даволашда кенг кўламда ишлатилади. Мевасидан доришунослик саноатида мой олинади. Бу мой тиббиётда битиши қийин бўлган яраларга, куйган ва совуқ урган терига, қизилўнгач, меъда (ошқозон), ўн икки бармоқли ичак касаллигига, А дармондориси етишмаслиги сабабли келиб чиқадиган авитаминозга даво қилишда яхши наф беради. Баргидан тайёрланган қайнатмадан бод касаллигида обзан (ванна) қилинади. Меваси оғриқ қолдиради. Чақанданинг чаёнўт билан қўшилгани соч тўкилишининг олдини олади. Чақанда доривор гиёҳлар аҳён-аҳёнда дорихоналарда бўлиб туради. Уни шифокор маслаҳатига кўра олиш мумкин.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

*Санъат сеҳри*

## САМБРЕРО ҚИЁФАСИНИНГ ТИКЛАНИШИ

...Баҳор фасли эди. Таниқли мусаввир Абдулҳақ Абдуллаевни Ўзбекистон Давлат санъат музейида учратдим. У шоша-пиша келарди. Мен билан тезда сўрашиб, мармар зиналардан юқорига юриб кетди. Кайфияти одатдагидек эмас, уни кузатиб борарканман, ўзбек тасвирий санъат хоналаридан бирига кириб, ўз асарларининг ичида фақат «Автосурат Самбреро қиёфасида» портрети қаршисида кўзларини жовдиратиб, узоқ туриб қолди. Тасвирнинг бош томонидан қандайдир шикастланган жойларни кўрди. Пешона ва икки кўз қорачиғида пайдо бўлган оқ нуқталарни кўрдию, кайфияти ўзгарди. Хўш, кимни айбласин? Ҳали музей ходимлари назоратидан ўтмасдан туриб мусаввир бу ҳолни қайдан билди экан?

Ҳар бир ижодкор иши фарзандидек азиз, қадрлидир. Шуниси қизиқки, ҳамма ижодкор ҳам асари тақдири билан қизиқавермайди. Рассом Абдулҳақ Абдуллаев ўз асарининг шикастланганлигини таниш мухлисидан эшитибди. Мухлиси мусаввирни учратиб, унга узоқ термулиб, портрет билан солиштиргандай, рассомни тетик, соғломлигидан мамнун бўлиб, сўнг ҳазил аралаш музейдаги автопортрет аҳволи ҳақида гапирибди. Абдулҳақ Абдуллаев шу куниёқ жароҳатланган асаридан хабар олгани келибди...

«Автопортрет Самбреро қиёфасида» номли бадиий асар томоша хонасидан олиниб, таъмирлаш устахонасига топширилди. Асарнинг шикастланган жойларини бир қарашда сезиш қийин эди. Шикаст еган жойнинг оқ нуқталарга ўхшашлиги ҳеч бир санъат мухлиси эътиборини тортмаган. Ўзи шунақа бўлса керак, деган хаёлда унинг олдидан ўтиб кетишаверган. Аслида асар муаллифига етказган таниш мухлис ҳам автопортрет шикастланганлигини сира билмаган. Абдулҳақ аканинг ўзида шунақа белгилар бўлса керак, деб ўйлабди.

Таъмирлаш устахонасида «Автопортрет Самбреро қиёфасида» асари узоқ туриб қолди. Музейнинг кекса таъмирлаш мусаввири Абдулла Йўлдошевни ҳар сафар учратганимда шу асар ҳақида сўраб турардим. Фақат «Тузатишга ҳаракат қиляпман: ҳадемай жойига қўйилади» деган жавобни эшитардим.

...Асарда мусаввир — хорижий цирк артисти Самбреро. Аслида Абдулҳақ Абдуллаевнинг автосурати. Таъмирловчи мусаввир махсус чироқни ёқиб, портретнинг жароҳатланган жойларини кўрмоқда. Тозалаш, малҳам (гурунт) суртиш, юпқа қоғозни елим билан ёпиштириш, ниҳоят, қоғоз спиртда тозаланиб, олиб ташлангач, унинг устидан ранг ва бошқа кимёвий дорилар берилиши таъмирлаш санъати техникасидан даракчидир. Бора-бора асарнинг олдинги қиёфасига қайтиши кишини лол қолдирарди. Энди эса «Автопортрет Самбреро қиёфасида»ги тасвирлар аниқ, худди янги яратилган асардек кўзни қамаштирмоқда. Мусаввирнинг автосурати салкам уч ойдан сўнг аслига қайтибди. Агар шикастланганлиги эътибордан четда қолганда эди, бора-бора у ўз нафосатини буткул йўқотиб қўйган бўларди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
санъатшунос.



*Пойтахтимиздаги 28-мактабда ташкил этилган «Миллий меросга ихлос» музейи ўқувчиларни ўзбек халқининг қадимги маданияти ва урф-одатлари билан таништиради.*

*СУРАТДА: музей раҳбари Муқаддас Исҳоқова ўқувчиларни миллий буюмларимиздан бўлган қумғон билан таништирмоқда.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

*Билим масканларида*

## АНИҚ ДАСТУР БЎЙИЧА

Шайхонтоҳур туманидаги Малик Мажидов номли 82-мактабда ажойиб бир анъана бор. Ушбу масканда қандай тадбир ўтмасин, жамоа аҳли бир зумда уюшиб, аҳилликда тайёргарлик ишларини бошлаб юборадилар. Бу гал ҳам шундай бўлди. Мактабнинг 60 йиллиги тантаналарига тайёргарлик ёзги таътил пайтиданоқ бошлаб юборилди. Мактаб тарихи ўрганилди. Ўтган йиллар мобайнида ишлаган раҳбар ходимлар, кекса ўқитувчилар ҳамда ўқишни битириб кетган собиқ ўқувчилар билан учрашилиб, уларнинг хотиралари йиғилди.

Ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда доимо унум бўлади, деб бежиз айтишмаган. Тайёргарлик ишлари тугаб сўнгги маслаҳат пишгач, фаоллар ёрдамида меҳмонлар мактабга таклиф қилина бошланди.

Орадан кўп ўтмай мактаб биноси одатдагидан гавжумлашиб қолди. Мактаб раҳбари Дилбар Каримова тантанани очар экан, йиғилганларни қутлуғ сана билан муборакбод этди. Шундан сўнг меҳмонларга сўз навбати берилди. Улар сўзларида ўқувчилик йиллари билан боғлиқ бўлган энг ёрқин хотиралари билан ўртоқлашдилар. «Ботаника» санаторийсининг бош шифокори, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг асаб касалликлари кафедрасининг мудири, профессор Мақсуд Асадуллаев, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов, Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими мудири Равшан Ўрмонбеков ва бошқалар мактабни юбилей айёми билан табрикладилар.

— Мактабимиз йилномасига назар ташлар эканмиз, унинг шонли йўлининг ўзи бир тарих эканини кўрамиз, — дейди биз билан суҳбатда Дилбар Каримова. — «Чақар» маҳалласида 1934 йили ҳашар йўли билан қурилган зиё масканида атрофдаги «Кўмирчи», «Кўк мачит», «Яланқор», «Хонақо» каби маҳаллалар болалари ўқий бошладилар. Бу илм маскани фақат кўҳналиги билан эмас, балки йиллар давомида болаларга таълим-тарбия бериш билан бир қаторда халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаш учун мутахассислар тайёрлаб келганлиги билан ажралиб туради. Айниқса мактабни Ўзбекистон Фанлар академияси математика институтининг ҳисоблаш маркази оталиққа олгач, шуҳрати янада кўтарилди.

Ҳозирги кунда бу мактабда 1500 ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Мактаб жамоаси доимо изланишда. Табақалаштирилган синфлар жадаллаштириш йўли билан алифбесиз ўқитиладиган синфлар тажриба тариқасида очилган. «Мактаб — олий ўқув юрти — илмий текшириш институти» дастури асосида бир қатор олий ўқув юртлари билан ҳам ҳамкорлик шартномалари тузилган. Режалаштирилган бу ишларни амалга оширишда ўқитувчилардан Сойима Тўлахўжаева, Захро Исҳоқова, Сантанат Ўринова, Нодира Абдураҳмонова, Карима Рашидова, Гулнора Долимова, Дилбар Соатова, Шаҳноза Қосимова ва бошқалар ўрнак бўлмоқдалар.

Наима ҲАКИМОВА.

*Солиқ идоралари фаолиятидан*

## ҚАЙСИ ФУҚАРОЛАР ИМТИЁЗГА ЭГА?

***Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида солиқ тизимининг яхши ишлаши катта аҳамиятга эгадир. Шундай экан, туманларда бу борадаги ишлар қандай? Биз ана шу ва бошқа саволлар билан Шайхонтоҳур туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Сулаймон Мамедовга мурожаат қилдик.***

— Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин солиқ тизимида ҳам анча ўзгаришлар бўлди. Шулардан бири савдо-сотиқ ёки ҳунар билан шуғулланадиганларга ҳукуматимиз томонидан кенг йўл очиб берилганлигидир. Бир сўз билан айтганда ҳозир тадбиркорлик билан шуғулланаман деган кишига зарур шароит яратилди. Мисол учун бизнинг туманни олсак, ишбилармонларга қайд гувоҳномасини олиш учун узоғи билан 2-3 кун керак бўлади. Шу сабабли йил бошидан 4511 кишига қайд гувоҳномасини топширдик. Улардан бугунги кунгача 5 миллион 64 минг сўмлик солиқ ундириб олинди.

Ер солиғига 11 минг 412 хонадон тортилган. Уларга жами 3 миллион 761 минг сўм солиқ белгиланган. Ундирилгани 2 миллион 734 минг сўмни ташкил этди.

**— Солиқдан бўйин товлаётганларга қандай чора кўрилмоқда?**

— Йил бошидан солиқ қонунини бузувчилар 3 минг 172 кишини ташкил этди. Улардан 1 миллион 73 минг сўм жарима давлат ҳисобига ундириб олинди.

Бу борада айниқса «Эски Жува» бозорини қаттиқ назорат остига олганмиз. Масалан, шу йилнинг ўзида бу ердаги солиқ қоидаларини бузган 16 кишига жиноий иш қўзғатилди. Бу фуқаролар олдин ҳам савдо қоидаларини бузиб жаримага тортилган. Ана шундан кейин ҳам ўз билганларидан қолмаган бу шахсларнинг ишини судга оширишга мажбур бўлдик. Энди улар савдо фаолияти билан қонунга ҳилоф равишда шуғулланганликлари учун мол-мулки мусодара қилиниб, энг кам иш ҳақининг 50 баровари ҳисобида жарима тўлайдилар ёки қамоқ жазосига тортиладилар.

Бундан ташқари текширишда қайд гувоҳномасисиз ишлаётганлар ҳам аниқланди. Биз бу тоифадаги фуқароларни жаримага тортолмаймиз. Шунинг учун йил бошидан ҳужжатсиз фаолият кўрсатаётган 62 кишидан суд орқали фойда қилиш учун олинган моллари мусодара қилиниб, энг кам иш ҳақининг 3-5 бараварида жарима ундирилди.

**— Туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари фуқаролар билан бевосита алоқада бўлишлари учун жойларда солиқ идораси шохобчалари ишга тушаётган экан. Шулар ҳақида гапириб берсангиз.**

— Биз туман ҳудудининг кенглигини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорларга жойларнинг ўзида солиқ хизматини кўрсатишга аҳд қилдик. Жисмоний шахслар билан шуғулланувчи ходимларимиз 71 кишини ташкил этади. Буларни тўққизта гуруҳга бўлдик. Ҳар бир гуруҳга жойлардан хоналар ажратдик. Ҳар бир гуруҳда 7-8 ходим ишлайди. Ҳар бир ходим ўзига ажратилган ҳудудда жисмоний шахслардан мажбурий тўловлар, ер, мол-мулк, транспорт солиқлари, тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаролардан даромад солиқларини ундирадилар. Бундан ташқари улар ўз ҳудудларида ҳужжатсиз ишлаётганлар, ижарадан даромад олаётганлар ва бошқалар билан шуғулланишади. Кўча савдоларини тартибга солиб турадилар. Айни пайтда бундай ҳудудий шохобчалар Белтепа, Ибн Сино, Жарариқ, Оқтепа мавзелари ва бошқа жойларда фаолият кўрсатишмоқда.

**— Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин кўп қонунлар ўзгарди. Ўзбекистон Республикасининг ер, мол-мулк, транспорт солиқлари тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир. Муштарийларимизни айниқса юқоридаги солиқлардан озод қилинган фуқаролар кимлар эканлиги қизиқтирмоқда. Шу ҳақда гапириб берсангиз.**

— Ўзбекистон Республикасининг «Ер солиғи тўғрисида»ги Қонунига асосан ер солиғидан собиқ иттифоқ қаҳрамонлари, уччала даражадаги «Шуҳрат» ордени билан мукофотланган шахслар, меҳнат қаҳрамонлари, уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда байналмилал бурчини бажарган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ меҳнат ногиронлари, кўзи ожиз ва ҳарбий хизмат юзасидан ногиронлар, боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар, болалигидан ногиронлар, болалигида концентрацион лагерларда ҳибсда бўлган фуқаролар, Чернобиль қатнашчилари, шахсий ҳамда ёлғиз нафақахўрлар озод қилинади.

Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, юқоридаги фуқаролар фақат 600 квадрат метргача бўлган ер солиғидан озод этилади. Агарда уларнинг ери 600 квадрат метрдан кўп бўлса, улар учун ошган ҳар бир квадрат метрига бир маротаба белгиланган солиқни тўлайдилар. Имтиёзга эга бўлмаган фуқаролардан эса 600 квадрат метргача бир маротаба, ундан ошган ер учун белгиланганидан икки баробар кўп солиқ ундириб олинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Мол-мулк солиғи тўғрисида»ги қонунига асосан мол-мулк солиғидан собиқ иттифоқ қаҳрамонлари, уччала «Шуҳрат» ордени билан мукофотланганлар, уруш қатнашчилари, ички ишлар ҳамда давлат хавфсизлиги хизмати ногиронлари, байналмилал жангчилар, «Қаҳрамон оналар», Чернобиль қатнашчилари, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, вақтли ҳарбий ва алтернатив хизматга чақирилганлар ва уларнинг оилалари, ҳарбий хизмат даврида ҳалок бўлганларнинг ота-оналари ва турмуш ўртоқлари, ҳамма нафақахўрлар озод этиладилар.

Уруш қатнашчилари, бевосита ҳарбий ҳаракатда хизмат қилган идоралар хизматчилари, собиқ партизанлар ҳамда байналмилал жангчилар, қўл билан бошқариладиган мотоколяска ва автомобиль эгалари, мотоколяска ҳамда қўл билан бошқариладиган автомобиль эгаси бўлган ногиронлар эса транспорт солиғидан имтиёзга эгадирлар.

Суҳбатдош Ғулом ЮСУПОВ.

*Суратли ахборот*

## «ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ — 95»



Киночилар уйи одатдагидан гавжум. Бу ерга пойтахтимизнинг турли туманларидан келаётган кексаю ёш муаллимлар, меҳнат фахрийлари, азиз меҳмонлар таклиф этилган. Анъанавий шаҳар ўқитувчиларининг «Йил ўқитувчиси — 95» кўрик-танлови барчани бирдай ҳаяжонлантирмоқда.

Тантанани Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев кириш сўзи билан очар экан, мусиқа садолари остида саҳнага кўрик-танлов иштирокчилари кўтарилдилар. Йиғилганларни ҳайратга солган ҳолда ҳар доимгидек шаҳримиздаги туманларда ўтказилган кўрик-танлов ғолибларидан 11 нафари эмас, балки 6 нафар бири-биридан зукко, маҳоратли муаллимлар — Миробод туманидаги 94-мактабдан Татьяна Кандаурова, Ҳамза туманидаги 216-мактабдан Озода Ғаниева, Юнусобод туманидаги 83-мактабдан Мовжуда Толипова, Яккасарой туманидаги 48-махтабдан Наталья Васюкова, Чилонзор туманидаги 173-мактабдан Ирода Муталхўжаева ҳамда Бектемир туманидаги 293-мактабдан Файзинисо Улуғбоевалар беллашувга ҳозир бўлдилар.



Ниҳоят саҳнада баҳслар бошланиб кўрик шартига кўра «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзусидаги саҳна дарслари ҳам кучли рақибалар курашаётгандан далолат бериб турди. «Ўз фанининг рекламаси» деб номланган охирги шартда ҳар бир ўқитувчи фанининг моҳияти, аҳамияти ва нозик қирраларини тушунтириб берган ҳолда қўшимча ўз санъатларини ҳам намойиш қилдилар.

Кўрик-танловда барча шартларни тўлиқ бажарган ва юқори баҳолар олишга эришган Юнусобод туманидаги 83-мактаб ўқитувчиси Мовжуда Толипова биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Татьяна Кандаурова ҳамда Наталья Васюковаларга насиб этди. Барча кўрик-танлов иштирокчилари «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Шунингдек уларга қимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотлари топширилди.



Оқила РАИМОВА.

***СУРАТЛАРДА: «Йил ўқитувчиси — 95» кўрик-танловидан лавҳалар.***

***Рашид Галиев олган суратлар.***

*Йиллар қатидаги сирлар*

## ҚАҲВАНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Тунука қутичада қаҳва ишлаб чиқарувчиларнинг умумяпон ассоциацияси 1993 йилда Кунчиқар мамлакатида «Қаҳва куни» таъсис этилганининг ўн йиллигини ўтказган эди. Шу куни матбуотларда миллионлаб одамларнинг севимли ичимлиги ҳақида бир олам маълумотлар эълон қилинганди.

Маълум бўлишича, тез эрувчан туйилган қаҳвани кашф этган киши Чикаго шаҳрида яшаб, ишлайдиган япон Сатори Като экан. Қаҳванинг биринчи туркуми 1901 йилда Буффало шаҳрида Бутунамерика қитъаси кўргазмасида пештахталарда пайдо бўлди. Ушбу янгиликка кўплар ҳайрат, айни пайтда жиндай қўрқув билан қаради. У сотилмади. Биринчи жаҳон уруши бошланди-ю сал бўлмаса чиппакка чиқаёзган янгиликни Америка ҳарбий департаменти кўтарасига сотиб олди.

Японияда қаҳвага расмана ҳужум яна бир янгилик — тунука банкачаларда тайёр қаҳва ичимлиги чиқарилганда бошланди. Кўчаларда қаҳва билан савдо қилувчи автомат-бошқаргичлар кўпайгандан кўпайди. Шундай қилиб қаҳва жазаваси кенг қулоч ёйди. Бугунга келиб эса Токио кўчаларига чиқиб қўлингизни узатсангиз, албатта, битта банкачада қаҳва сотадиган автоматга тегиши шубҳасиздир. Японлар бугунги кунга келиб қаҳвахўрлик бобида жуда нозиктаъб чиқиб қолишди: тунука банкачаларни елим стаканлар сиқиб чиқара бошлади. Автомат-сотувчидан кўра компьютерга ўхшайдиган қурилмалар кўчаларда кўпайгандан кўпайди: шундоққина тугмачани босасиз. Бир пасда сиз хоҳлаган қаҳва майдаланади, стаканга тушади. Сиз эса таъбингизга яраша шакар ва сут қуйилишини кузатасиз, холос. Хоҳласангиз — қора қаҳва ичинг!

Қаҳвани тарғиб қилувчи ишбилармонлар бир нарсага бошлари қотади: ахир қаҳва илк бор кашф этилганда шунчалар хушхўр неъмат «иблис ичимлиги» деб эълон қилинганди. Айтишларича бир чўпон қўйларини боқиб юрганда ажойиб бир воқеани кузатибди. Қаҳва ўсимлиги (у пайтда унинг номини билишмасди) шохчаларида пишиб турган қип-қизил меваларини еган қўйлар жуда жонланиб, ирғишлаб кетишибди. Кейин чўпон ҳам қўрқа-писа мевадан тотиб кўрибди. Таналарига худди куч-қувват оқиб киргандек бўлибди. Лекин чўпонга ҳеч ким ишонмабди...

Қаҳвани маданийлаштириш эрамизга қадар бўлган VI асрда илк бор Шарқда, араб давлатларида бошланган эди. Қаҳва донлари Европага кириб келганда уни итальянлар жуда хушҳоллик билан кутиб олишди. Лекин черковга итоат қилувчи диндорлар (улар кўпчилик эди) узоқ вақтгача унга лаб теккизмадилар. Уни худосизлар ичади деб эълон қилдилар...

Бизнинг давримизда қаҳва ҳар бир хонадонга кириб борди. У «иблис» эмас, инсоний ичимлик эканлиги жаҳонга маълум!

Қаҳва Ғарбда, Америкада, ҳатто Шарқда ҳам, мамлакатимизда кўкчой қанчалар машҳур бўлса, шунчалар машҳур. У ерларда бўлсангизу, биронта хонадонга таклиф қилишса албатта:

— Қаҳва ичиб кетинг! — дейишлари тайин.

Доимо шундай бўлсин. Бир пиёла чой ёки қаҳва ҳамиша тотувлик, дўстлик белгиси бўлиб қолсин.

Турсун АБДУЛЛАЕВ
тайёрлаган.

*Маърифат масканларида*

## КОИНОТНИНГ КИТОБДАГИ ИНЪИКОСИ

Аҳли донишлар биз ҳар куни мутолаа қиладиган китоб ҳақида озмунча пурҳикмат сўзларни айтмаганлар. Дарҳақиқат китоб ўқишдан кўра арзон кўнгилхушлик ва айни пайтда узоқ давом этувчи ором бўлмаса керак. Лекин кишига шундай ором бағишлайдиган минг-минглаб жилд китобларни сақлайдиган кутубхоналарчи? «Яхши кутубхона коинотнинг китобдаги инъикосидир», — деб таъкидлаган эди Н. А. Рубакин.

Чиндан ҳам яхши кутубхонада бўлишдан ҳам ортиқроқ завқ бормикан? Гўзал пойтахтимизда шундай бир қутлуғ даргоҳ борки у ердаги китоблардан баҳраманд бўлмаган одам топилмаса керак. Гап Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси ҳақида кетаётганлигини тўғри англадингиз. Куни кеча шу кутубхонанинг катта қироатхонасида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси ана шу маърифат масканининг шонли 125 йиллик тўйига бағишланган тантанали илмий анжуман ўтказдилар. Унда сўзга чиққанлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасининг республикамиз халқини маданий-тарихий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашдаги роли ҳақида, унинг Ўзбекистоннинг миллий маданияти ва фани ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳусусида, Ўзбекистонда кутубхоначилик ишини ривожлантиришдаги аҳамияти тўғрисида, республикамиз мустақиллиги туфайли китобхонларга хизмат кўрсатишнинг янги усуллари, айниқса ёшларга, оммавий-сиёсий ишларни ташкил қилиш ва миллий китоб омборлари заҳираларини тузиш ҳақида гапирдилар.

Бундан ташқари илмий анжуман қатнашчилари ва меҳмонларининг қутловлари тингланди, қатнашчилар республикамизнинг энг кекса маърифат маскани — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасининг бой заҳирасидан олинган ноёб китоблар кўргазмаси билан ҳам яқиндан танишдилар.

Собир САИДОВ.

*Жаҳон спорти янгиликлари*

### УЧКУРАШ

КОПЕНГАГЕН. Америкалик Марк Аллен Гавайи оролларида бўлиб ўтган «темир одамлар» (учкураш усталари) йирик халқаро мусобақасида олтинчи бор ғалаба қозонди. Унинг учкураш бўйича кўрсатган энг яхши натижаси қуйидагича: 3,8 километр масофага сузиш, 180 километрлик велосипед пойгаси ва 42,2 километрлик марафон югуриши учун жами 8 соат, 20 дақиқа ва 34 сония керак бўлади.

### ВЕЛОСПОРТ

ЛОЗАННА. Лоран Жалабер (Франция), Тони Ромингер (Швейцария) ва Мигель Индруайн (Испания)лар жаҳоннинг энг кучли велопойгачилари сафида пешқадамликда боряптилар. Уларнинг ҳисобида мос равишда 3197, 3297 ва 2238 тадан очко бор.

Лозанна (Швейцария)даги халқаро велосипед спорти иттифоқи (УСП) томонидан тузилган рўйхат шу ҳақда маълумот беради.

Бу рўйхатга кўра, россиялик Евгений Берзин 1285 очко билан олтинчи, Андрей Умиль (Украина, 951 очко) ўн биринчи ва яна бир россиялик Вячеслав Екимовлар 815 очко билан ўн бешинчи ўринлардан жой олишган.

### ЯНГИ «ЮЛДУЗ»ЛАР ЧАҚНАМОҚДА

Кичик Атиль оролларида жойлашган кичик мамлакат Сент Винсент ва Гренадина терма жамоасининг ўйинчиси Родни Жэк жаҳоннинг энг кучли тўпурарлари рўйхатида пешқадамлик қилмоқда. (Фақатгина халқаро учрашувларда, шу йилнинг 1 январидан 30 сентябргача бўлган вақт ичида киритилган тўплар сони ҳисобга олинган). Футбол тарихи ва статистикаси бўйича халқаро федерация (ИФФХС) тарқатган шов-шувли хабарда ана шундай маълумот берилган. Сент Винсент ва Гренадина терма жамоаси Кариб ҳавзаси чемпионати (Кариб Кубоги)да ўйнаб, финалгача борди. Улар фақатгина сўнгги ўйинда Тринидад ва Тобаго давлатининг жамоасига имкониятни бой бердилар. Ушбу биринчилик давомида Жек 13 та гол муаллифи бўлди. Яқин орада янги «юлдуз» Англия клубларидан бири билан тузилган шартномага мувофиқ Европа майдонларида тўп сура бошлайди. Тўпурарлар рўйхатининг иккинчи поғонасида Чехия терма жамоасининг ҳужумчиси, «Градец-карлове» клубининг аъзоси Петр Саменц бормоқда. Унинг ҳисобида миллий терма жамоа сафларида, Европа кубоги ўйинларида киритилган 11 та тўп бор.

Ботир ҲАСАНОВ тайёрлади.

## БИР ЧИМДИМ ҚАҲҚАҲА

Ошхонага овқатланиш учун кирган хўранда ошпазга жаҳл билан деди:

— Бу қанақаси, манави савил қолгур гўшт пишганми ўзи? Ярим соатдан бери уни сира кесолмаяпман!

— Шошилишга ҳожат йўқ. Ахир ошхонамиз саккизгача ишлайди, — бамайлихотир жавоб қилди ошпаз.

* * *

— Биласанми, мен хотинимнинг туғилган кунига кенгуру совға қилишни ўйлаб турибман.

— Нима учун?

— Бўм-бўш халта билан елиб-югуришни ўргансинда.

* * *

Яқиндагина оила қурган йигит ишдан қайтиб уйга келса, ошхонадан бурқсиб тутун чиқаётганмиш:

— Хотинжон, нима бало, яна товадаги овқатни куйдириб юбордингизми?

— Ҳа, сал шунга ўхшашроқ, — жавоб қилибди келин, — бу гал аҳвол чатоқ — «Пазандалик сирлари» китоби куйиб кетди.

* * *

— Ойи, — дебди бир болакай, — мен кеча кўчадан ҳамён топиб олдим...

— Вой худойим-ей, эгаси шўрликка қийин бўлибди-ку. Тезда милицияга олиб боргандирсан-а, ўғлим?

— Кеча улгурмадим.

— Хўш, бугун-чи?

— Бугун эса ҳамёнда ҳеч нарса йўқ эди.

* * *

Бир киши хотини ва қайнонасини роса калтаклабди. Судья унга жазо тариқасида 1020 доллар жарима солибди.

— Бу қанақаси бўлди, жарима жуда ғалати-ку, — норозилик билдирибди судланувчи.

— Минг доллар жарима, йигирма доллар эса — кўнгилхушлик қилганингиз учун ушлаб қолинган солиқ.

* * *

— Сен ароқ ичаётганингда нега кўзингни чирт юмиб олдинг?

— Хотинимга «Энди ҳеч қачон ароққа қарамайман» деб ваъда берган эдим.

* * *

Ўқувчи бетоб ётган муаллимасининг уйига бориб ҳол-аҳвол сўраб қайтибди. Синфга келиб ўртоқларига сўзлармиш:

— Болалар, аҳвол жуда оғир. Эртага ўқитувчимиз мактабга келаркан.

* * *

— Хола, овқатланишни билмайсизми?

— Нега ундай деяпсан?

— Бизникига келишингизни айтганингизда, дадам ойимга: «Энди холангни бир ҳафта боқишимизга тўғри келади» деб айтувдилар.

Нозима ИСЛОМОВА.

